



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 31 июль, № 150 (5065)

Шанба

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

БИЛИМ, ИНТИЛИШ, ТАФАККУР

Ёшларимиз эртага бўлиб ўтадиган тест синовларида ўзларининг интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказадилар.



Биринчи август санасига ҳам санокли соатлар қолди. Абитуриентлар ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашмоқда. Зеро, энди талаба бўлиш истагидаги йигит-қизлар ўз билимларини синовдан ўтказадилар ва мустақил ҳаёт бўсағасидаги ушбу имтиҳонда, албатта, кимнинг мақсад сари қай даражада интиланлиги аён бўлади.

Абитуриент — 2010

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўқиб-изланган, ўз устида тиним билмай ишлаб, билимларни пухта эгаллаган ёшлар, шубҳа йўқки, тест синовларини муваффақиятли топшириб, ўзлари орзу қилган мутахассислик бўйича таълим олишга муваффақ бўладилар. Барчага аёнки, бугун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентлар учун тест синовлари жорий этилганлиги ёшларнинг билим ва салоҳиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга доир бошқа қатор ҳуқуқий-методик ҳужжатларни қабул қилишдан қўланган мақсад ҳам мамлакатимизда ёш авлодининг етуқ маънавияти, билими ва юксак малакали мутахассис бўлиб камолга етишини таъминлашдир.

— Ёшларимиз орасида илмга интилувчан йигит-қизлар сафи тобора кен-



Хасан Пайдоёв олган сурат.

гайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда олий ўқув юрталарига 385 645 нафар абитуриент ҳужжат топширганлигининг ўзиёқ бунинг яқол далилидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

директори Баҳром Исмоилов. — Негаки, бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан олиб қаралса, олий таълим муассасаларига 48 520 нафар кўп абитуриент ҳужжат топширганлигини аниқлатади. Маълумки, жорий ўқув йилида олий таълим-

нинг бакалаврият йўналиши учун 56607 ўрин ажратилди. Шундан 19 755 нафар абитуриент давлат гранти, 36852 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2010 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўйилган вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш ишлари прокурор назоратининг доимий диққат марказида бўлди. Янги иш ўринлари яратилиши, фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга устувор аҳамият берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти

фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди.

Ҳайъат мажлисида кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган тадбирларни қулайтириш борасида вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига аниқ вазифалар юклатилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ ҳўжалигидаги суиистеъмолликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29-30 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Парламент қўйи палатасининг муҳокамасига киритилган ҳужжатларнинг асосий қисми суд-ҳуқуқ соҳасига, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига тааллуқли бўлди.

Улар орасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов тақдим этган «Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутди. Ушбу қонун лойиҳасининг долзарблиги мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилинган йилда, айниқса, муҳимдир. Қонун лойиҳаси воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларни профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу соҳада мақсуд қонун қабул қилиниши ўсиб келаётган авлод ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини янги даражада кўтариш имконини беради. Бундай қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши билан қонун ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига, халқро ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари-

га қатъий риоя этилишига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир қарра намоян қилади. Ушбу ҳужжат воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларни профилактикаси тизими органлари ва муассасаларини, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини, воёга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан яқна тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ҳамда тартибини, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган воёга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартибини белгилайди.

Қонун лойиҳасини қўриб чиқиш жараёнида депутатлар воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалаларини аниқ тартибга солиш, болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ота-оналар ва касаллик органларининг масъулиятини ошириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Муҳокама чоғида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ёш авлодининг экологик таълими ва тарбияси муҳим

эканлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Мазкур қўмитага қабул қилинган тузатишларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва унинг иккинчи ўқишда қўриб чиқиш учун киритиш топширилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси гаровга оид муносабатлар субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг мақсади гаровга оид ҳуқуқий муносабатларда кредитларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашдан, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини ўзaro мувофиқлаштиришдан иборат. Қонун лойиҳасида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг айрим нормаларини «Ипотeka тўғрисида»-

ги Қонунга мувофиқлаштириш бўйича қоидалар, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Ипотeka тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар киритиш таклиф этилган. Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг вакиллари гаровга аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини сафарбар қилиш ҳамда уларни кредитлашга муҳтож бўлган субъектлар ўртасида жойлаштириш вазифасини бажарувчи молия-кредит тизимининг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун алоҳида аҳамиятга молик эканлигига эътиборни қаратдилар. Бу ўринда гаровга олувчининг ҳуқуқлари кафолатланиши гаровга оид муносабатларни ривожлантиришга ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмақлаштириш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Нукус шаҳрида «Нукус Мироб» МЧЖга Германиянинг «Вауер» ва Россиянинг «Экодар» фирмалари усқуналари ўрнатилгач, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот тури ўн тўрттага етди.

Маҳсулот тури кўпайди

Ҳозир корхонада кунига 50 минг дона қадоқланган экологик тоза маъданли сув ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

Шуниси эътиборлики, корхона маҳсулотлари Қорақалпоғистон Республикасидагина эмас, балки Хоразм ва Бухоро вилоятларида ҳам харидорини топмоқда.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ. Бойвут туманида «Бойвут бунёдкор» фирмаси янги гишт заводининг биринчи навбатини ишга туширди.

«Бойвут бунёдкор»нинг деворбоп материаллари

Корхона раҳбари Жоникул Мусурмонов банкдан олган 500 миллион сўмлик кредити эвазига пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган янги технологиялар олиб келиб ўрнатди. 60 нафар кишлоқ ёшлари ишга қабул қилинди. Корхонада ҳозир кунига 25 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилиб, у пешма-пеш қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Шофиркон туманидаги «Вардонзе» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги тўртта аҳоли пункти газлаштирилди.

«Қулайликдан мамнунмиз»

Натижада 1600 та хонадон табиат инъоми — зангори оловдан баҳраманд бўла бошлади.

— Туман марказидан 23 километр олинса, чўлда истиқомат қиламиз, — дейди Деҳқонобод кишлоқида яшовчи меҳнат фахрийси Сайфиддин Норов. — Баркамол авлод йилида 10,5 километр узунликдаги қувурлар тортилиб, кишлоқларимиз газлаштирилганидан бениҳоя хурсандмиз.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Гурлан туманидаги «Бозор» фермер ҳўжалиги раҳбари Бозорбой Раҳимов ўзининг Сахтиён кишлоқида Голландия технологияси асосида чорвачилик фермаси қуриб ишга туширди.

Голландия технологияси асосида

Ушбу фермада қорамолларни суғоришдан тортиб, озиклантириш, сутини соғиб олиш каби жараёнлар автоматлаштирилган. Барча ишлар механизмлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Энг муҳими, парваришланмаётган қорамолларнинг барчаси наслидир.

Тадбиркор ақинда яна бир янгиликка қўл урди. Фермер ҳўжалиги қошида «Ирис» конфетти ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди. Бу ерда бир кеча-кундузда 1 тонна сифатли қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ. Зомин туманида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бандлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида туманда яратилган янги иш ўринларининг бир минг 165 тасига ёшлар жойлашди.

Иш ўринлари — ёшларга

Зомин туманидаги тиббиёт, педагогика, агросаноат ва маънавий хизмат соҳалари учун мутахассислар тайёрладиган бешта касб-ҳўнар коллежини бу йил бир минг 980 нафар йигит-қиз битирди.

— Туман ҳокимлиги ва коллежлар раҳбарияти билан биргаликда битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда, — дейди Зомин тумани бандликка қўмақлашувчи маркази директори вазифасини бажарувчи Фурқат Жумаев. — Шунга қўра, барча коллеж битирувчиларининг рўйхати тузилиб, ҳудуддаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси билан мувофиқлаштирилди. Шунингдек, йил давомида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ўрта мақсус, касб-ҳўнар таълими муассасалари битирувчилари иш берувчилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2010 йилнинг дастлабки ярим йиллигида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши

11,5 фоизни ташкил қилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан йирик бунёдкорлик ишларининг изчил амалга оширилаётгани, айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар барпо этилаётгани ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш суръати муттасил ўсиб бораётгани туфайли шундай юқори кўрсаткичга эришилди.



ЖАҲОН 24 соат ичида

Кема чўкиб кетди

Конго Демократик Республикасида йўловчиларни олиб кетаётган кема ҳалокатга учради.



Воқеа мамлакат фарбидаги Бандунду вилоятида юз берган. Оқибатда 138 киши ҳалок бўлган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари...

нинг хабар беришича, кемадагиларнинг аксарияти сузишни билмаганлиги туфайли фожиа аянчли тус олган.

Конгода бундай кўнгилсиз воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Жумладан, 2009 йилда Маи-Ндомбе кўлида кеманинг чўкиб кетиши туфайли 73 киши ҳаётдан кўз юмганди. Чунки бу ерда кемалар асосан ҳисобланади.

Фазовий жисм ҳаракатда

Испаниялик астрономлар Ер шарни томон диаметри 560 метрга тенг астероид яқинлашиб келаётганини маълум қилишди.

Уларнинг фикрича, фазовий жисм шу тариқа ҳаракатланишда давом этса, Ер билан тўқнашиши мумкин. Аммо бу ҳодиса яқин ўн йилликларда кузатилмайдми. Ҳисоб-китобларга кўра, воқеа 2182 йилда юз бераркан. Эслатиб ўтамиз, мазкур астероид 1999 йилда аниқланган бўлиб, унга "1999RQ36" деб ном берилган.

Шу ўринда келтириб ўтамиз, бунга қарши фикр билдираётганлар ҳам учрамоқда. Уларнинг таъкидлашича, сўнгги пайларда астероиднинг ҳаракатида ўзгаришлар ҳам қайд этилиб турган экан.

100 йилда илк янги банк

Буюк Британияда охириги 100 йил ичида биринчи марта янги банк очилди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.

"Metro Bank" дея номланган мазкур молия муассасасининг дастлабки бўлими Лондон марказида фаолият бошлаган. Яқин бир йил ичида эса шундай бўлимлардан яна 250 тасини очиб режалаштирилган.



Улар ўз имкониятларини банк бизнесида синаб кўриш мақсадида муассасани ташкил этганлар.

Жазирама кунлардаги ёнғин

Шу кунларда португалиялик ўт ўчирувчилар ёнғинга қарши кенг қамровли кураш олиб боришмоқда.

Бу тадбирларга 1200 нафар ўт ўчириш хизмати ходими ва авиация жалб этилган бўлса-да, қутилган самарара эришилмапти. Чунки ёнғинлар юз бераётган ҳудудларда кузатилаётган иссиқ ҳаво ҳарорати ва шомол бунга тўқсинлик қилмоқда. Оқибатда табиий офат аллақачон 12 минг гектар майдонга зарар етказиб бўлди.

Шу боис Еврокомиссия вакили Эудлик билан Португалияга ердан кўрсатиш зарурлигини маълум қилди. Ҳозир Италия, Греция ва Франция мамлакатлари ўшбу давлатга кўмак беришга тайёр эканликларини билдиришган.

Ажабтовур ҳолат

Хитойнинг Баошан музофотида энг "кекса" товуқ аниқланди.



"The Orange" берган хабарда айтилишича, парранда 22 ёшда. Унинг 77 ёшли эгаси Янг Шэо-фунинг айтишича, товуқни 1988 йилда рафиқаси сотиб олган экан. Ушанда улар тўрт дона жўжа бўлган. Шундан учтаси аллақачон нобуд бўлиб кетган.

Қизиқ жиҳати шундаки, бу ушбу парранда билан боғлиқ биргина антиқа ҳолат эмас. Хусусан, у икки ойлик давридаёқ тухум қўя бошлаган. Одатда эса товуқлар 1,5 яшарлигида тухум беради. Бундан ташқари, 22 йилдан буён яшаётганига қарамай, иштаҳаси ва кўриш қобилияти суҳайганини ҳисобга олганда, товуқ ҳамон соғлом экан. Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, товуқлар ўртача 7-8 йил умр кўради.

Тўрт ойлик саёҳат

Таниқли миллиардер Дэвид Ротшильднинг меросхўри кичик Ротшильд Тинч океанини елим идишлардан ясалган кемада сузиб ўтди.

Унинг саёҳати қарийб тўрт ой давом этган. Унда экипаж аъзолари Сан-Францискодан Сиднейгача бўлган 8 минг миль (бир миль 1852 метр) масофани босиб ўтшган.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад омма эътиборини денгизларнинг ифлосланиши олдини олишга қаратиш эди, — дейди саёҳат ташкилотчилардан бири. — Уйлашмишча, бу қутилган самарани берди. Чунки биз саёҳат давомида сув ҳавзаларига ташлаб юборилган кўплаб елим идишлар денгиз жониворлари ҳаётига раҳна солаётгани ҳақида маълумотларни оммага ҳавола этдик.

Кемани ясашда бежизга бундай идишлардан фойдаланилмаган. Чунки улардан ҳам санот учун керакли маҳсулотлар олиш мумкин. Хусусан, мазкур кема ҳам керакисиз дея ташлаб юборилган 12,5 минг дона елим идишдан ясалган.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

НАМКОРВАНК

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқсалишида молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти нихоятда катта. Шу боис ҳозирда республикамизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, молия муассасалари фаолиятини аҳоли, яъни миждозлар манфаати ҳисобига кенгайтириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк ва миждоз ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига, республикамиз иқтисодиёти янада рагнақ топишига, пировардида аҳоли турмуш даражаси фаровонлашувига хизмат қилаётир.

«Хамкорбанк»:

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бундай ижобий ўзгаришларни, жумладан, «Хамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятда ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Чунончи, айни пайтда мазкур молия муассасасининг 26 та филиал ҳамда 135 та минибанкида аҳолига 40 дан ортиқ замонавий банк хизматлари тақдим этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк жамоаси 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини таъминлаш, шу орқали барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилаётганликлари бунда муҳим омил бўлапти.

Маълумки, замонавий корхона-нинг энг сўнгги русумдаги техника ёки технологияси тасаввур қилиш мушкул. Шу боис бугун ҳар бир тадбиркор ишлаб чиқаришни мана шунга асосланган ҳолда ташкил этишга интилоқда ва бу борада муайян натижаларга эришяптилар.

«Хамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки эса уларнинг ана шундай мақсадларини рўйбга чиқаришларида ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Чунончи, айни пайтда мазкур молия муассасасининг 26 та филиал ҳамда 135 та минибанкида аҳолига 40 дан ортиқ замонавий банк хизматлари тақдим этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк жамоаси 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини таъминлаш, шу орқали барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилаётганликлари бунда муҳим омил бўлапти.

Маълумки, замонавий корхона-нинг энг сўнгги русумдаги техника ёки технологияси тасаввур қилиш мушкул. Шу боис бугун ҳар бир тадбиркор ишлаб чиқаришни мана шунга асосланган ҳолда ташкил этишга интилоқда ва бу борада муайян натижаларга эришяптилар.

ИШ ЎРИНЛАРИ — ЁШЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шу мулоқотлар натижасида дипломолди амалиётини ўташ ҳамда ишга жойлашиш бўйича коллежлар, ҳудуддаги иш берувчилар ва битирувчилар ўртасида 1 минг 300 та уч томонлама шартнома имзоланди.

Туманда янги иш жойлари очил устувор вазифалар сирасига қиради. Йилнинг ўтган даврида 139 хўжалик иритувчи субъект рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 33-и қўрсатишга ихтисослашган. Янги корхоналар очилиши билан иш ўринлари ҳам кўпайди. Кичик бизнес субъектларида 165 нафар йигит-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди. Йўриқ шавх мақомига эга яқка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобига яратилган 211 иш ўринининг 185 тасини, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига ташкил қилинган 373 иш ўринининг

2010 йил — Баркамол авлод йили

кўрсатишга ихтисослашган. Янги корхоналар очилиши билан иш ўринлари ҳам кўпайди. Кичик бизнес субъектларида 165 нафар йигит-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди. Йўриқ шавх мақомига эга яқка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобига яратилган 211 иш ўринининг 185 тасини, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига ташкил қилинган 373 иш ўринининг

156 тасини ёшлар банд этди. Туман марказида яқинда ишга туширилган «Абулазиз-Достон-Жалол», «Даштобод шаҳарчасидаги» «Ёқубжон Сунаат ўғли» гишт ишлаб чиқариш корхоналарида иш билан таъминланганларнинг тенг

ярмини ёшлар ташкил этади. Касб-хунар коллежлари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ва қишлоқ қизларининг бандлик даражасини оширишда қасаначилик имкониятлари, молия муассасаларининг имтиёзли кредитлари, касб ўрганиш ва малака ошириш хизматлари ҳам муҳим омил бўлаётди. Хусусан, сўнгги олти ойда қасаначилик имконияти ишли бўлганларнинг 431 нафари ёшлардир.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини жадал ва барқарор ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини берапти. Айниқса, фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилгани соҳада ривожланиш омили бўлаётир.

ЕР ҲАМ МЕҲР ИСТАЙДИ

Бугун фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ кафолатланган фермерлар қишлоқ хўжалигининг етакчи қўлига айланди. Чунки улар учун барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Ерга эгалик қил, излан, меҳнат қил, шу тариқа эл дастурхонини тўкин эт, юрт фаровонлигига хизмат қил. Ҳаммаси фермерларимизнинг ўзларига боғлиқ. Аммо фермерлик шунчаки ҳавас эмас. Бу юкни ўз гарданига олган фермердан катта меҳнат, тажриба, қатъият, дадиллик талаб этилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фермерга катта ер ишониб топши...

Дил сўзи катик, тухум ва бошқа ноз-неъматлар аримайди. Дарвоқе, техникамиз ва молиявий ресурсларимиз етарли, 5 та ҳайдов, 6 та чопиқ тракторимиз ва бошқа механизмларимиз хизмати-мизда. Бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш ниятидамиз. Бунинг учун жамоамизнинг 40 нафар аъзоси астойдил меҳнат қилапти. Хўжалигимиз аъзоларидан 4 нафари янги иморат тиклашди, 4 нафари энгил автомашина сотиб олди, ўнлаб оилалар тўй қилишди, баъзилари қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлишди. Бунинг ҳаммаси ҳалол меҳнат натижаларидир. Фермерлик — улуг ном. Унга муносиб бўлиш, бу номни оқлаш лозим. Ёнимиздаги юксак туғйулар билан яшаб, меҳнат қилаётган кишиларга елкадош бўлсақ, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан завқланиш, фахрланиш туғйуси билан яшасақ, асло кам бўлмаймиз. Фермерлик маъсулияти бизни шунга ундайди.

Коримбой СОБИРОВ, Гурлан туманидаги «Собир гурлани» фермер хўжалиги раҳбари.

«DRUPA-DESIGN» КК ўз устав фондининг 5439971 АКШ долларидан 188202828 сумгача қайтарилишини маълум қилади: Маълумот учун телефон: 244-50-88

«TEMIR YO'L-SUG'URTA» КК МЧЖ жамоаси корхонанинг Тошкент вилояти бўлими директори Душнат Қодировга падари бузруквори АБДУКАРИМБЕК отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!

Хизматлар лицензияланган.

«Соверин плюс капитал» ютуқли омонатини тақлиф этади.

Омонатга маблағлар 1 йил муддатта йиллик 14% миқдорда даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади. ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

Кўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Кема чўкиб кетди

Конго Демократик Республикасида йўловчиларни олиб кетаётган кема ҳалокатга учради.



Воқеа мамлакат гарбидидаги Бандунду вилоятида юз берган. Оқибатда 138 киши ҳалок бўлган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари...

нинг хабар беришича, кемадагиларнинг аксарияти сузишни билмаганлиги туфайли фожиа янглич тус олган. Конгода бундай кўнгилсиз воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Жумладан, 2009 йилда Маи-Ндомбе кўлида кеманинг чўкиб кетиши туфайли 73 киши ҳаётдан кўз юмганди. Чунки бу ерда кемалар асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

Фазовий жисм ҳаракатда

Испаниялик астрономлар Эр шари томон диаметри 560 метрга тенг астероид ақинлашиб келаётганини маълум қилишди.

Уларнинг фикрича, фазовий жисм шу тарихда ҳаракатланишда давом этса, Ер билан тўқнашиши мумкин. Аммо бу ҳодиса яқин ўн йилликларда кузатилаётган. Ҳисоб-китобларга кўра, воқеа 2182 йилда юз бераркан. Эслатиб ўтамиз, мазкур астероид 1999 йилда аниқланган бўлиб, унга "1999RQ36" деб ном берилган.

Шу ўринда келтириб ўтамиз, бунга қарши фикр билдираётганлар ҳам учрамоқда. Уларнинг таъкидлашича, сўнгги пайларда астероиднинг ҳаракатида ўзгаришлар ҳам қайд этилиб турган экан.

100 йилда илк янги банк

Буёқ Британияда охириги 100 йил ичида биринчи марта янги банк очилди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.

"Metro Bank" дея номланган мазкур молия муассасасининг дастлабки бўлими Лондон марказида фаолият бошлаган. Яқин бир йил ичида эса шундай бўлимлардан яна 250 тасини очиб режалаштирилган. Манбага қараганда, банкка ишбилармон Энтони Томпсон ҳамда миллиардер Вернон Хилл томонидан асос солинган.



Улар ўз имкониятларини банк бизнесида синаб кўриш мақсадида муассасани ташкил этганлар.

Жазирама кунлардаги ёнгин

Шу кунларда португалиялик ўт ўчирувчилар ёнгинга қарши кенг қамровли кураш олиб боришмоқда.

Бу тadbирларга 1200 нафар ўт ўчириш хизмати ходими ва авиация жалб этилган бўлса-да, қўтилган самарара эришилмапти. Чунки ёнгинлар юз бераётган ҳудудларда кузатилаётган иссиқ ҳаво ҳарорати ва шамол бунга тўсқинлик қилмоқда. Оқибатда табиий офат аллақачон 12 минг гектар майдонга зарар етказиб бўлди.

Шу боис Еврокомиссия вакили эъдиллик билан Португалияга ёрдам кўрсатиш зарурлигини маълум қилди. Хозир Италия, Греция ва Франция мамлакатлари ушбу давлатга кўмак беришга тайёр эканликларини билдиришган.

Ажабтовур ҳолат

Хитойнинг Бошан музофотида энг "көкса" товуқ аниқланди.



"The Orange" берган хабарда айтилишича, парранда 22 ёшда. Унинг 77 ёшли эгаси Янг Шэо-фунинг айтишича, товуқни 1988 йилда рафикаси сотиб олган экан. Ушундан улар тўрт дона жўжа бўлган. Шундан учтаси аллақачон нобуд бўлиб кетган.

Қизиқ жиҳати шундаки, бу ушбу парранда билан боғлиқ биргина антиқа ҳолат эмас. Хусусан, у икки ойлик давридаёқ туҳум қўя бошлаган. Одатда эса товуқлар 1,5 яшарлигида туҳум беради. Бундан ташқари, 22 йилдан буён яшаётганига қарамай, иштаҳаси ва кўриш қобилияти усайганини ҳисобга олмаганда, товуқ ҳамон соғлом экан. Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, товуқлар ўртача 7-8 йил умр кўради.

Тўрт ойлик саёҳат

Таниқли миллиардер Дэвид Ротшильднинг меросхўри кичик Ротшильд Тинч океанини елим идишлардан ясалган кемада сузиб ўтди.

Унинг саёҳати қарийб тўрт ой давом этган. Унда экипаж аъзолари Сан-Францискодан Сиднейгача бўлган 8 минг миль (бир миль 1852 метр) масофани босиб ўтишган.

— Ушбу тadbирни ташкил этишдан мақсад омма эътиборини денгизларнинг ифлосланиши олдини олишга қаратиш эди, — дейди саёҳат ташкилотчиларидан бири. — Уйлашимизча, бу қўтилган самарани берди. Чунки биз саёҳат давомида сув ҳавзаларига ташлаб юборилган кўплаб елим идишлар денгиз жониворлари ҳаётига раҳна солаётгани ҳақида маълумотларни оммага ҳавола этдик.

Кемани ясашда бежизга бундай идишлардан фойдаланилмаган. Чунки улардан ҳам санаот учун керакли маҳсулотлар олиш мумкин. Хусусан, мазкур кема ҳам кераксиз дея ташлаб юборилган 12,5 минг дона елим идишдан ясалган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

НАМКОРВАНК Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқалишида молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Шу боис ҳозирда республикамизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, молия муассасалари фаолиятини аҳоли, яъни миқозлар манфаати ҳисобига кенгайтириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк ва миқоз ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига, республикамиз иқтисодиёти янада раванқ топишига, пировардида аҳоли турмуш даражаси фаровонлашувига хизмат қилаётир.

«Хамкорбанк»: ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бундай ижобий ўзгаришларни, жумладан, «Хамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки эса уларнинг ана шундай мақсадларини рўйбга чиқариши билан яқиндан ёрдам бермоқда. Банк томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида турли йўналишдаги тadbиркорлик субъектларининг 30 та лойиҳаси учун 574 миллион сўмдан зиёроқ маблағ ажратгани, умуман, ҳозирда банк лизинг портфели 4,3 миллиард сўмдан ортгани шундан далolat беради.

Молия муассасаларида

«Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Мазкур жамият банкнинг «Нодирабегим» филиали томонидан кўрсатилган лизинг хизмати эвазига пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган техника сотиб олди. Натжидада бу ерда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2 бараварга ошди. Албатта, хозирги пайтда республикамизда «Водий олтин куз» каби «Хамкорбанк» билан ҳамкорлик қилиб, фаолиятини кенгайтириб бораётган тadbиркорлар бисёр. Асосийси, бундай ҳамкорлик бозорни рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдирishi билан бирга, аҳоли даромадлари кўпайишига, демакки, уларнинг турмуши фаровонлашувига хизмат қилаётир. Мазкур молия муассасасида, шунингдек, чакана хизмат турлари...

ни ривожлантириш ва банкка аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш юзасидан ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилапти. Бунинг учун банкда кўплаб замонавий хизматлар жорий этилиб, аҳоли учун қулай шартларда миллий ва хориж валютасида янги-янги омонат турлари тақдим этилапти. Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тadbирлари тўғрисида»-ги ҳамда 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий бар...

корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осий тараққиёт банки, Ислон хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси сингари етакчи молия институтлари «Хамкорбанк»нинг асосий ҳамкорларидан ҳисобланади. Масалан, жорий йилда «Хамкорбанк»нинг Халқаро молия корпорацияси билан алоқалари янада мустақамланиб, янги поғонага кўтарилди. Жорий йилнинг 2 май кунини Халқаро молия корпорациясининг банк капиталига инвестиция киритиши бўйича битим имзоланди. Унга кўра, Халқаро молия корпорацияси «Хамкорбанк»ка янги кредит линияси очиб билан бирга, банк устав капиталига инвестиция киритишни ҳам назарда тутган. Бундан ташқари, Халқаро молия корпорацияси «Хамкорбанк»ка институционал ривожланишда доимий техник кўмак кўрсатиб келмоқда. 2009 — 2010 йиллар давомида ички аудит, ички назорат, кредит таваққалчилигини бошқариш, маркетинг, операцион таваққалчилик тизимларини такомиллаштириш юзасидан техник кўмак беради.

Аҳолига замонавий ва намунали хизмат кўрсатиш бевосита малакали кадрларга боғлиқ. Шу боис банкда бу жиҳатда алоҳида эътибор қаратилиб, республикамиздаги нуфузли олий ўқув юртилари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Унинг доирасида турли танловларнинг ташкил этилаётгани эса ёшларни соҳага жалб этишда, умуман, уларнинг мутахассислигини бўйича етук кадр бўлиб етиштирилишида муҳим ўрин тутмоқда. Қисқа қилиб айтганда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси молия муассасалари, шу жумладан, «Хамкорбанк» фаолиятида ўз аксини топмоқда. «Хамкорбанк» Матбуот хизмати.

ИШ ЎРИНЛАРИ — ЁШЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда). Ана шу мулоқотлар натижасида дипломолди амалиётини ўташ ҳамда ишга жойлаштириш бўйича коллежлар, худуддаги иш берувчилар ва битирувчилар ўртасида 1 минг 300 та уч томонлама шартнома имзоланди. Туманда янги иш жойлари очиб устувор вазифалар сирасига қиради. Йилнинг ўтган даврида 139 хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 33...

2010 йил — Баркамол авлод йили

кўрсатишга иктисослашган. Янги корхоналар очилиши билан иш ўринлари ҳам кўпайди. Кичик бизнес субъектларида 165 нафар йигит-қиз билан меҳнат шартномаси тuzилди. Юридик шахс макомига эга якка тартибдаги тadbиркорлик ҳисобига яратилган 211 иш ўринининг 185 тасини, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига ташкил қилинган 373 иш ўринининг 156 тасини ёшлар банд этди. Туман марказида яқинда ишга туширилган «Абулазиз-Достон-Жалол», Даштобод шахарчасидаги «Екубжон Суннат ўғли» гишт ишлаб чиқариш корхоналарида иш билан ташминланганларнинг тенг...

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамлигида қишлоқ хўжалигини жадал ва барқарор ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини берапти. Айниқса, фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилгани соҳада ривожланиш омили бўлаётир.

ЕР ҲАМ МЕҲР ИСТАЙДИ

Бугун фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ кафолатланган фермерлар қишлоқ хўжалигининг етакчи қучига айланди. Чунки улар учун барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Ерга эгалик қил, излан, меҳнат қил, шу тариқа эл дастурхонини тўкин эт, юрт фаровонлигига хизмат қил. Ҳаммаси фермерларимизнинг ўзларига боғлиқ. Аммо фермерлик шунчаки ҳавас эмас. Бу юкни ўз гарданига олган фермердан катта меҳнат, тажриба, қатъият, дадиллик талаб этилади. Ҳозирги кунда...

ПУЛЛАТ КУВУРЛАР «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб. ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб. Квадрат кесимдаги ПУЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100. Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб. ПРОФИНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача; Бундан ташқари: ИЙГМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм. КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм. МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кг/см². ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА. На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНА в т.ч. по ИСО 9001:2008. Индивидуальный подход к каждому клиенту. Качество у нас!!! Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак». Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42. e-mail: sedou2006@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. «DRUPA-DESIGN» ҚҚ ўз устав фондизинг 5439971 АҚШ долларидан 188202828 сўмгача қамайтирилишини маълум қилади: Маълумот учун телефон: 244-50-88 «ТЕМИР YO'L-SUG'URTA» ҚҚ МЧЖ жамоаси корхонанинг Тошкент вилояти бўлими директори Душнат Қодировга палари бузуқкорни АБДУКАРИМБЕК отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ манфаатли «Соверин плюс капитал» ютуқли омонатини тақлиф этади. Омонатга маблағлар 1 йил муддатта йиллик 14% миқдорда даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортқик пул ютуқларидан бирининг соҳибни бўлишлари мумкин. Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади. ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ! ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Кўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.



ЭНГ ГУЛЛАГАН МУНОСИБ АВЛОД ЧОҒИМДА

Бугун мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар ва Давлат дастурларида ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётти. 2008 йилнинг "Ёшлар", 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши, қўллаб-қувватловнинг йўлга қўйилгани, талабалар учун турли таълим грантларининг, нуфузли стипендияларнинг жорий этилгани, ёш оилаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ва яна қанчадан-қанча ишларда ана шу ғамхўрликнинг исботини кўришимиз мумкин.

ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ АВЛОД

Вилоятимиздаги 170 та коллеж ва лицейда 167 мингдан зиёд ўқувчилар 122 та йўналишда билим олиб, касб-хунар ўрганишяпти. Улар халқаро танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришяптилар. Ёшларимиз сўнгги йилларда Москва, Алмати, Тошкент, Бремен, Ашқобод, Боку шаҳарларида ўтказилган халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритишди.

Мазкур университет қошидаги 2-сон академик лицейи ўқувчиси Дониёр Насриддинов Боку шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада худди шундай медал совриндори бўлди. Ёшларимиз халқаро спорт мусобақаларида ҳам юқори натижаларни кўрсатяпти. Хусусан, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқувчи ёшлари орасидан 38 нафар жаҳон чемпиони, 91 нафар Осиё чемпиони, 128 нафар халқаро турнирларнинг мутлақ ғолиблари давлатимиз байроғини халқаро спорт майдонларида юқори кўтарिशга муяссар бўлдилар. Жумладан, яқинда Самар-

Ифтихор

қанд Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчилари Нурбек Ҳаққулов ва Руслан Қомилов юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионлигини қўлга киритишди, 2010 йилда Сингапурда ўтказиладиган 1-Ёшлар олимпиада уйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бугунги кунда вилоятнинг 11 та шаҳар ва туманларида "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари" фаолият кўрсатмоқда. 2006 йилда марказга 3 минг нафар ёш жалб этилган бўлса, айни пайтда улар сони 20 минг нафардан ошди. Марказларда ёшларга компьютер саводхонлиги, чет тили, тикиш-

бичиш, ҳуқуқий саводхонлик, репродуктив саломатлик, хунармандчилик, тадбиркорлик, туризм, санъат, ёшларни оилага тайёрлаш, журналистика ва бошқа соҳалар бўйича муайян билимлар бериб борилаётти ҳамда турли хил лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг бирор-бир мамлакатда бизнинг юртимиздагидек ёш оилаларга ғамхўрлик йўлга қўйилган эмас. Масалан, вилоятимизда кейинги икки йил мобайнида 48 та оилага уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари, 64 та оилага янги қурилган қўп қаватли бинолардан шундай кредит асосида уй-жой ажратилди. Айни пайтда, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ёш оилалар учун қўп қаватли ва коттеж типидagi тураржой бинолари қурилиши давом эттирилмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи экан, бунинг учун уларга барча имкониятлар эшиги очилиб, имтиёзлар яратиб берилмоқда.

Алишер НОҒОБОВ,
«Баркамол» ёшлар ижтимоий хизматлари вилоят бўлими раиси.

Рақамлар сўзлайди:

- Вилоят ўрта махсус таълими тизими муассасаларидан спорт соҳаси бўйича **38** нафар жаҳон чемпиони, **91** нафар Осиё чемпиони, **128** нафар халқаро турнирларнинг мутлақ ғолиблари етишиб чиққан.
- Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида "Камалак" болалар ташкилоти ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг бўлимлари, мавжуд **1218** та умумтаълим мактабида унинг бўғинлари фаолият кўрсатмоқда.
- Бугунги кунда вилоятнинг **11** та шаҳар ва туманларида "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари" ишлаб турибди. Уларга **20** минг нафардан ортик, асосан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногиронлар ва меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари жалб этилган.
- Шаҳар ва қишлоқларда **113** та спорт мажмуаси — болалар ва ўсмирлар хизматида. Уларнинг **22** тасини ТИП спорт мажмуалари ташкил этади.
- Халқ таълими тизимида "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг синф, мактаб ва шаҳар bosқичлари **2009** йилнинг сентябрь ойида бошланиб, **2010** йилнинг февралда ниҳоясига етказилди. Уларда **637** минг нафар ўқувчи қатнашди.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Баъзан бирор масала ёки масаланинг жумбоғини ечишга шунчалик киришиб кетаманки, бундай пайтда ҳамма нарсани унутаман. Ҳатто, дугоналарим ёнимда туриб чақирибганда ҳам эътибор бермас эканман. Умуман, бизнинг оиламизни математиклар оиласи дейишарди. Онам ҳам, бовим ва бобом ҳам Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида ўқиган. Уларнинг кўрсатмалари ва маслаҳатлари эса меннинг бугунги муваффақиятларга эришимда муҳим омил бўлмоқда.

Мен устозларим кўмагида мазкур фаннинг ўзига хос қирраларини кўн билан пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Ўқувчилар ўртасида математикадан ўтказилган вилоят ва республика олимпиадаларида бир неча бор фахрли ўринларни қўлга киритдим. Умумтаълим мактабидан сўнг ўқишни Самарқанд Иқтисодий ва сервис институтини қошидаги 1-сон академик лицейида давом эттирдим.

Фахр

Инсон астойдил интилса, қўзлаган мақсади сари дадил ҳаракат қилса, ўз ниятига, албатта, етаркан. 2008 йилда Испанияда ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушбу мусобақада гарчи бронза медалини қўлга киритган бўлсам ҳам, худди олтин медал олгандек шод эдим. 2009 йилда эса Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган 50-халқаро олимпиадада кумуш медалга сазовор бўлдим. Москвадаги халқаро олимпиадада эса биринчи ўринни қўлга киритдим. Эришган ютуқларим давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. 2009 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим ва шу йили СамДУнинг Механика-математика факультетига давлат гранти асосида танловсиз талабалikka қабул қилиндим.

Эришаётган ютуқларим мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ёшларнинг чуқур билим олишлари, уларнинг ҳар жиҳатдан камол топишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганидан иборат. Шунинг учун ҳар доим қувонч шодликлар ўзимники, ютуқларим — жонажон юртиники дейман. Келгусидаги максатим ана шу юксак эътибор ва ишончга муносиб бўлишдир.

Дилёра САЛИМОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.

Қадимий Самарқанддан йил — ўн икки ой сайёҳларнинг қадами узилмайди.

1997 йилдан бошлангач, ҳар икки йилда ўтказилиши аниқланган "Шарқ тароналари" мусика фестивали эса бу муаззам гўшага бўлган қизиқиш ва интилишни янада кучайтирмоқда. 2009 йилда бўлиб ўтган фестивалда хориждан қўллаб ёш хонанда ва созандалар ташриф буюришганди. Қуйида улардан айримларининг сўзларини келтирамиз.



Эътироф

— Мусиканинг илоҳийлиги ҳақида кўп эшитганман. Ушбу таъриф бежиз айтилмаганлигига эса Самарқандга келиб амин бўлдим. Бошқаларни билмадим-у, лекин мен бир нарсга эътибор бердим. Эрталардагидек. Айниқса, асосий майдондаги оҳанглардан завқ олдим. Мусиканинг кучи, таъсири, аҳамияти бекиёқлигига ҳаҳоннинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар яна бир бор амин бўлишди. Ушбу фикрларга мен ҳам қўшилиман.

Мишал ЖУМА. Қувойт:

— Биз ҳар гал ушбу фестивални интиқлик билан кутамиз. Мусика анжуманида иштирок этиш баҳонасида Самарқандни, машҳур қадамжоларни зиёрат қилиш жону дилимиз. Азизлари эъзозланган юртда оқибат мустаҳкам бўлади, юрт ривожланиб, файзу баракотга бурканади. Бу фикрларнинг исботини бугун халқингиз тисмолида кўриб турибмиз.

Афсонавий ўлка — Самарқанд заминига қадам қўйганимиз ҳамоно вужудимизни ёқимли ҳис қилдик.

Бу кўхна диёр ҳақида фақат китоблар орқали хабардор эдик, холос. Фестиваль баҳона, шаҳарнинг тарихий жойларини зиёрат қилдик. Қўллаб-қувватлов орқали бизни тўйларга олиб боришди. Бундай юртга фақат ҳавас қилиш керак.

Хейди ГУРТУРД, германиялик созанда:

Бу таъриф бежиз айтилмаганлигига эса Самарқандга келиб амин бўлдим. Бошқаларни билмадим-у, лекин мен бир нарсга эътибор бердим. Эрталардагидек. Айниқса, асосий майдондаги оҳанглардан завқ олдим. Мусиканинг кучи, таъсири, аҳамияти бекиёқлигига ҳаҳоннинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар яна бир бор амин бўлишди. Ушбу фикрларга мен ҳам қўшилиман.

Икучи Кийшон САМА, Япониянинг «Го ннка Датко» - «Жудо, олов, дўбмари» гуруҳи вакили:

— Афсонавий ўлка — Самарқанд заминига қадам қўйганимиз ҳамоно вужудимизни ёқимли ҳис қилдик. Бу кўхна диёр ҳақида фақат китоблар орқали хабардор эдик, холос. Фестиваль баҳона, шаҳарнинг тарихий жойларини зиёрат қилдик. Қўллаб-қувватлов орқали бизни тўйларга олиб боришди. Бундай юртга фақат ҳавас қилиш керак.

Шижоат

Маҳмудов, Талиб Назаров, Ҳаким Накибоев бошчилигида олимпиада уйинларига тайёргарликни бошлаб юбордик. Мақсадиимиз, ёшлар ўртасида биринчи бор ўтказилаётган бу йirik мусобақада ғолиб бўлиш, Ўзбекистон байроғининг баланд кўтарилишига эришиш.

Нурбек ҲАҚҚУЛОВ,
Самарқанд олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчиси.

Регистондан таралган тарона



— Мусиканинг илоҳийлиги ҳақида кўп эшитганман. Ушбу таъриф бежиз айтилмаганлигига эса Самарқандга келиб амин бўлдим. Бошқаларни билмадим-у, лекин мен бир нарсга эътибор бердим. Эрталардагидек. Айниқса, асосий майдондаги оҳанглардан завқ олдим. Мусиканинг кучи, таъсири, аҳамияти бекиёқлигига ҳаҳоннинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар яна бир бор амин бўлишди. Ушбу фикрларга мен ҳам қўшилиман.

Турли мусобақаларда иштирок этганимда, айниқса, менга ғалаба ёр бўлганида спортни танлаганимдан, бу соҳада устозларим этагидан маҳкам ушлаганимдан қувониб кетаман.

Ана шу қишлоқларга, уларда улғайётган ёшларга Юртбошимизнинг ғамхўрлиги нақадар юксаклигини юракдан ҳис этаман. Ўзингиз айтинг, мамлакатимизда қишлоққа, ёшларга, болалар спортига қанчалик эътибор қаратиляпти. Агарда шундай эътибор бўлмаганида, халқаро мусобақаларда қатнашишга йўл қаёқда эди?

Ватанни УЛУҒЛАМОҚ БАХТИ

Пайриқ туманидаги Султон-юзи қишлоғида туғилганман. Ёшим 16 да. Юнон-рум кураши бўйича спорт устаси, мамлакат терма жамоасининг аъзосиман. Икки бор Осиё чемпиони, уч мар-

та Ўзбекистон чемпиони, деган номга эришдим. Бундан ташқари, бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби ва совриндориман. Лекин бундай муваффақиятлар билан гурурланишга ҳали анча эрта, деб ўйлайман. Чунки ёшлигимнинг энг гуллаган даври ҳали олдинда. Демак, жаҳон майдонларида қўлга киритиладиган ғалабаларим ҳам...

Яқинда курашдаги ҳамкорим, коллежимиз учинчи bosқич ўқувчиси Руслан Қомилов билан навбатдаги Осиё чемпионатида яна ғолиб бўлдик. Бу эса иккалаимизга ҳам шундай муваффақият бўлди. Самарқанд заминига қадам қўйганимиз ҳамоно вужудимизни ёқимли ҳис қилдик. Бу кўхна диёр ҳақида фақат китоблар орқали хабардор эдик, холос. Фестиваль баҳона, шаҳарнинг тарихий жойларини зиёрат қилдик. Қўллаб-қувватлов орқали бизни тўйларга олиб боришди. Бундай юртга фақат ҳавас қилиш керак.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Дирекция 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўзғалмақлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклам материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаяв ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳах — С. Исмолов.

Жаҳонгир ПЎЛАТОВ,
Пастдаргом туманидаги вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати 9-синф ўқувчиси.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 23.30 Топширилди — 00.15